



Андижон машинасозлик институти

2-Маъруза: Билимлар тизимида илмий
билимнинг ўрни.
Ижод ва илмий тадқиқот.

*Lecture 2_ The role of scientific knowledge in
the system of knowledge. Creativity and
scientific research.*

*Маърузачи: фалсафа фанлари номзоди,
доцент – Зулфияхон Арипова*




Режа:

1. Билим ва унинг асосий шакллари.
2. Илмий билимнинг ўзига хос хусусиятлари.
3. Ижод – янги қадриятлар яратиш омили.
4. Илмий- ижодий фаолиятда олимнинг шахсий фазилатлари.

Аристотель

(384-322 гг. до н.э.)
– древнегреческий
философ, ученик
Платона,
воспитатель
Александра
Македонского.



Киши билимлари
туфайли ўзининг асосий
инсонлик моҳиятини
амалга оширади ва бу
унинг барча энг
элементар хатти-
харакатларидаёқ намоён
бўлади.
Аристотель

1.Билим ва унинг асосий шакллари.

БИЛИМ – БУ ҲАҚИҚАТГА МОС ВА АСОСЛАНГАН ИШОНЧДИР.

Билим – ижтимоий-тарихий, амалиётда текширилган ва мантиқан тасдиқланган, воқеликни билиш жараёнида эришилган натижа.

Воқеликнинг инсон онгида тасаввурлар, тушунчалар, муҳокама ва назариялар орқали ифодмаланган инъикоси;
кишиларнинг табиат ва жамият ҳодисалари ҳақида тўпланган маълумотлар;
воқеликнинг инсон тафаккурида акс этиши.

**Инсон билими орқали
инсонийлигини намоён қила олади.**



Билим:

1. **Билим** – лаёқат. Бирор лаёқатни эгаллаб олганлик даражаси масалан,
2. **Ахборот** – маълумот, баъзи-бир далиллар, билимлар ва ҳоказо моҳиятини англатади.
3. **Билим** – ахборот эса предметларга қандайдир белги, хусусият, сифат мавжудлиги ҳолати ифодаланади.

Кит – сут эмизувчи

Учбурчак ички бурчаклари йиғиндиси

икки тўғри бурчакка тенг

чин ёки ёлғон сифатида



Билимнинг эпистемологик (билим, таълимот) талқини

1. Чинлиги

(реал
воқеликка
мослиги)

2. Асосланганлик

3.

Ишончилиги
(эътиқод
қилиш, қабул
қилиш
мумкинлиги)



Билимнинг асосий шакллари

билим

- Ҳиссий билим, ҳаётий билим, илмий билим,
- Илм даражасидан ташқари билимлар:
- маданият, адабиёт, санъат, мифология, дин

билим

- **Экзотерик** (кўзга ташланувчи):
- фан соҳасида, астрологияда қўлланилади.
- Булар илм-фан қоидаларига зид эмас.

билим

- **Эзотерик** билимлар (пинҳоний):
- илм-фан қоидаларига зид келиши мумкин.

Фандаги ахборот концепциялари

1. Атрибутив концепцияси.

Ахборот барча
жараёнлар ва
системаларга, яъни
бутун материяга хосдир.

2. Функционал концепция.

Ахборот фақат ўз-ўзидан
ташкилланадиган
тизимлар(биологик ва
ижтимоий)нинг, яъни
био ва социотехник
тизимларнинг
хоссасидир

Функционалистлар концепциясига кўра, ахборотнинг 3 параметри мавжуд:

Синтактик (гап тузилиши, гапда сўз бирикуви). Нафақат умумлаштириш, балки мутлақ янги мазмун яратиш

Семантик (юнонча- билдирувчи, ифодаловчи) – сўзнинг грамматик шакли

Прагматик – ҳаракатчанлик, фаоллик

Эволюцион билим назарияси

Карл Поппер (1902-1994)

- ❖ Унга кўра - илмий, илмгача ва кундалик ҳаёт даражасидаги билимларни тенглаштириш билан чекланмасдан, инсон билимлари ва ҳайвон билимлари ўртасидаги тафовутни инкор қилади.
- ❖ Унинг фикрича, билимни фақат инсон ва ҳайвонот дунёсигина эмас, балки барча тирик дунё вакиллари эгаллай олади (ўсимликлар ҳам).

Эволюцион билим назарияси

Карл Поппер (1902-1994)

- ❖ Шундай қилиб, эволюцион эпистемология нуқтаи-назаридан амёба билими билан **Эйнштейн билими (1879-1955)** ўртасида сифатий эмас, миқдорий фарқ бор холос.
- ❖ Чунки, ахборот тушунчаси постиндустриал жамият рамзига хос. Ахборотни билим билан айнанлаштириш, билимни кенг маънода тушуниш ҳозирги даврда кенг тарқалган.

2. Илмий билимнинг ўзига хос хусусиятлари.

- **Илмий билим** – илм ва билим атамаларидан ташкил топган бўлиб, нарса ва ҳодисаларнинг мазмун-моҳияти, билим жараёнидаги ўрни, илмийлик мезонлари ҳамда унинг сабабларини ишончли даражаларда асослаб бериш билан боғлиқ бўлган тушунчадир. Илмий билим аввало билимнинг уч асосий кўриниши билан боғлиқ

Инсон ва тирик мавжудот билимнинг умумий тамойиллари Карл Поппер таълимотида

- Ҳар қандай билим жараёни шароитга мослашиши жараёни - яъни адаптациядир.

- Ҳар қандай тирик мавжудот, шу жумладан, инсон томонидан амалга ошириладиган билиш жараёни учун ҳам, албатта ноқисликлар мавжуддир.


“Қўпол қилиб айтганда, бир ҳужайрали амёбадан Альберт Эйнштейнгача организмларнинг деярли барчаси билим шакллари айнан шу вазиятда долзарб бўлган ёки келгусида олдига кўндаланг бўладиган масалаларни ечишга мослашиш учун организмга хизмат қилади.”

К.Поппер барча тирик мавжудотлар билимини бирлаштирувчи умумий белги ҳақида



Заҳматкаш инсонларнинг илмий ва
иждодий изланишларини ҳар
томонлама қўллаб-қувватлаш, улар
учун зарур шарт-шароитлар
яратишни биз ўзимизнинг бирламчи
вазифамиз сифатида кўришимиз
даркор.

Шавкат Мирзиёев,
1-жилд, 144-бет



Илмий билим

- ***Илмий билим*** – илм ва билим атамаларидан ташкил топган бўлиб, нарса ва ҳодисаларнинг мазмун-моҳияти, билим жараёнидаги ўрни, илмийлик мезонлари ҳамда унинг сабабларини ишончли даражаларда асослаб бериш билан боғлиқ бўлган тушунчадир.
 - ***Илмий билим аввало билимнинг уч асосий кўриниши билан боғлиқ***

Илм (арабча) – ўқшиш, ўрганиш ҳамда ҳаётий тажриба асосида ортирилган билим ва малака, фан

Ҳар қандай билим илм эмас.

Агар билим маълум даражада тизимга солинса рационал жиҳатдан асосланса, маълум мантиқ асосида изчиллик касб этса, **илмга айланади**. Масалан, диний билимларнинг юқоридаги талабларга жавоб берадиган қисми “диний илмлар” дейилади.

2) Илмийликка даъво қиладиган қатор билимлар мавжудки, улар тарафдорлари бу билимларни фан, илмий билим билан бир қаторга, ундан юқори кўйишга ҳаракат қиладилар.

3) **Илмий билимлар эволюцияси** узоқ тарихга эга бўлиб, бошқа билимлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланган илм, фан сифатида қабул қилинган.

Илмий билимнинг функционаллашув концепцияси

1. Эмпирик билим, *унинг шакллари:*

- Кузатиш
- Экспремент
- Далил

2. Метаназарий билим

3. Интуитив билим -
ҳақиқатни мантиқий
далилларсиз, бевосита
англаб етиш қобилияти

3. Ижод - янги қадрият яратиш омили.

- Ижод – бу онгнинг олий даражаси, фаолиятнинг юқори ва анча мураккаб шакли бўлиб, мавжудотлар ичида у фақат инсонга хос бўлган феномендир.
- Билишнинг олий шакли бўлмиш ақл ижодкорни муайян режа асосида самарали фаолият олиб боришга катта ёрдам беради.
- Ижоднинг энг юқори шакли бўлган - *илмий ижоднинг* муҳим шарти – олимнинг ўз-ўзини англашида ёрқин намоён бўлади.




Ижод бу – янги қадриятларни яратиш усули.

- **Ижод** – бу субъектнинг тафаккури, ақли ва идроки назорат қилувчи, тартибга солувчи, йўналтирувчи, шу билан бирга ижтимоий амалиётга мувофиқ равишда муттасил ўзгариб борувчи объектив оламнинг субъект онгидаги фаол инъикосидир.
- **Ижод - кенг маънода** шахс ёки жамият табиий, ижтимоий ва маънавий оламни инсоннинг мақсад ва вазифаларига, унинг эҳтиёжлари, истаклари ва имкониятларига мувофиқ равишда ўзгартириш борасидаги бунёдкор фаоллиги тушунилади.




Одамлар онги ижод орқали бизни қуршаган оламни кузатибгина қолмай, балки уни фаол яратади ҳам.

- **Ижод** – бу конструктив яратувчанликдир. Эркин ижодий фаолият туфайли янги ғоялар, қарашлар, назариялар одамларнинг қалби ва ақлида ҳукм сира бошлайди, бу эса ижтимоий тараққиётга олиб келади. Ўзбекистонлик олим З. Давронов фикрича, “Ижод – бу изланувчининг маълум янгилик яратиш учун объектга қаратилган шахсий қобилиятдан келиб чиқувчи ҳиссий билим ва туйғуларни амалга оширувчи жараён дир”.
- Инсон ижоди хилма-хилдир. У бадиий, илмий тадқиқот, конструкторлик, сиёсат соҳаларида намоён бўлиши мумкин.
- Кўп ҳолларда “Ижод - бу кашфиёт ва ихтиро қилиш жараёни билан боғлиқ мураккаб жараён дир”, деб эътироф этилади. Бунда ижоднинг фақат илмий фаолият натижаси эканлиги қайд қилинган



Фридрих **Ницше** (1844 — 1900) — XIX асрнинг энг машхур ва нуфузли файласуфларидан бири.

- **Ницше** “Ижод бу касбий маънода эмас, балки хаётий маънода одам – ўзининг хаётини ўйлаб олиб борадиган, ўз ишига гўзаллик ва маҳорат беришга интилган, ҳайвоний эҳтиёж ва ҳайвоний эгоизмдан юқори бўлишга интилиш жараёнидир” деб ёзади.



**Фридрих
Ницше**
(1844-1900)
немецкий
философ

“Ижод бу касбий маънода эмас, балки хаётий маънода одам – ўзининг хаётини ўйлаб олиб борадиган, ўз ишига гўзаллик ва маҳорат беришга интилган, ҳайвоний эҳтиёж ва ҳайвоний эгоизмдан юқори бўлишга интилиш жараёнидир” деб ёзади.
Ф.Ницше, “Ҳаёт фалсафаси” асосчиси
“Зардушт таваллоси” асари муаллифи.

Ижоднинг амал қилиш хусусиятлари:

- **1. Перцептив** хусусиятлар (ғаройиб маъно-мазмунга эга бўлган диққатнинг жамланиши, таъсирчанлик, кўнгилчанлик), интеллектуал хусусиятлар (интуиция, фантазия, ўйлаб чиқариш, олдиндан кўриш қобилияти, кенг дунёқараш), характерли хусусиятлар (бир қолипда ишламаслик, оригиналлик, кунт, юқори даражадаги ўз-ўзини ташкиллаштириш ва меҳнатга лаёқатлилиқ).
- **2. Билиш мотивациясининг доминантли ўрни**, тадқидий ижодий фаоллик, субъектнинг янгиликни топишга бўлган қобилиятида ва муаммоларни ечишдаги ўзига хосликда намоён бўлади. **Масалан**, оригинал ечимларни топиш ва прогнозлаш эҳтимоллиги, юқори баҳоларни таъминлайдиган эстетик, ахлоқий ва интеллектуал идеаллар эълонларини яратиш қобилияти ва бошқалар шулар жумласидандир.
- **3. Ўзида ақлий ва мотивацион омилларни интеграция қилувчи интеллектуал фаоллик.**
- **4. Юқори ижодий қобилият ва мотивацион-ижодий фаолликнинг органик бирлиги.**
- **5. Муаммони топишдаги зукколик, мулоҳазаларнинг узун занжирини яхлитлаш қобилияти, “четдан қараш”га лаёқатлилиқ, таъсирланишнинг мақсадлилиги, хотиранинг тайёрлиги, фикрлаш эгилувчанлиги, баҳолаш қобилияти, ғояларни ҳаётга осон тадбиқ қилиш, кўшимча ишланма беришга лаёқат, осонгина яхлитлаш, юмор ҳиссининг мавжудлиги.**

Ижоднинг амал қилиш хусусиятлари:

- 6. Оддий ҳодисалар доирасидан чиқувчи, аммо табиат қонунлаига зид бўлмаган ҳаракатларни амалга ошириш, келажакда бўладиган нарсани ҳис қилиш, бой фантазия ва интуиция, янгилик ва ноёб нарсаларга катта қизиқиш.
- 7. Мустақиллик, таваккал қилишга мойиллик, фаоллик, қизиқувчанлик, мавжуд нарсага қониқмаслик, қарор қабул қилишга тайёргарлик, эътироф этилишга интилиш, ички мотивация, ўсишга тайёргарлик.
- 8. Оламдаги нарса ва ҳодисалар табиатдаги муқобилликларни кўра билиш ва шакллантириш, фантазияни ифодалай олиш, савол бера олиш ва юзаки изоҳлардан қочиш, кунт, мустақил позиция, таваккалга тайёргарлик, ўрганилаётган муаммога катта қизиқиш.
- 9. Ўз-ўзини шакллантириш, юксалтиришга интилиш, қилаётган ишини бурч деб билиш, шахснинг аутентиклиги, ўз кучига ишонч, юқори даражадаги танқидийлик ва рефлексия.

4. Илмий ижодий фаолиятда олимнинг фазилатлари

1. Шахсий фазилатлари:

- Ижтимоий манфаатларини ўз шахсий манфаатларидан юқори қўйиш;
- адолатли ва эркин бўлиш;
- камтар ва очиқ чеҳрали бўлиш.
- мустақил ўз
- фикрига эга бўлиш;
- одамлар, илмий жамоа билан тил топа олиш.
- босиқ ва ўзига ишонч, қатъиятли, оила олдида масъулиятли бўлиш.
- ўзига ўзи талабчан бўлиш.
- билимдон лик, ташкилотчи бўлиши.
- жамиятдаги мавжуд муаммоларни ечишда ўз ёрдамини бериши.
- фанга фидойи бўлиши.
- мантиқий фикрлаши.
- Экзистенциялистик (яшаш, мавжудлик) хусусияти ва ҳ-к.

2. Профессионал фазилатлари:

- Ўз касбига қизиқиш;
- фан ривожланиш қонуниятларини англай олиши;
- ўз малакасини доимо ошириб бориши;
- интуист (синчков) бўлиши;
- ўз кадр-қимматини сақлаб қолиши;
- олимлик одоби, маданиятига амал қилган ҳолда ижодкорликни ривожлантириши ва қўллаши;
- ватан ва миллат олдидаги ижтимоий масъулияти, фидойилиги;
- инсоният олдидаги масъулияти;
- янгиликлардан боҳабар бўлиши.
-

Илмий ижодий фаолиятда олимнинг фазилатлари

3. Амалий фазилатлари:

- Ўз сўзи устидан чиқа билиши;
- ташаббускор, ишбилармон ва тадбиркор бўлиши;
- олимлик одоби ва маданиятига амал қилиши;
- энг мураккаб нарса ва ҳодисалар тўғрисида содда тил билан сўзлай олиши;
- фанга фидойилигини янги инновацион ғояларни амалга оширишда фаол бўлиши;
- прагматистик (иш, ҳаракат, фаоллик) ҳусусияти;
- шахс, жамият, давлат манфаатдорларини уйғунлаштира олиши ва ҳ-к.

Эдмунд Гуссерль


1859-1938

Философия
Э.Гуссерля о
кризисе
европейской
науки




Эдмунд Гуссерль (хәёт йиллари-1859-1938) - бутун бир фалсафий ҳаракат-феноменологиянинг асосчиси ҳисобланган машҳур немис файласуфи.

Анри Бергсон



- Французский мыслитель, учёный, литератор. Лауреат Нобелевской премии по литературе.
- Виднейший представитель философии жизни.



Туғилган йили: 6 мая 1856 г.,

[Пршибор, Чехия](#)

Вафот этган

йили: 23 сентябрь 1939 г. (83 года),

[Лондон, Великобритания](#)


- 1895 *Исследования истерии*
- 1896 *Об этиологии истерии*
- 1899 [Толкование сновидений](#)
- 1901 [Психопатология обыденной жизни](#)
- 1905 *Три очерка по теории сексуальности*
- 1910 *О психоанализе*
- 1913 [Тотем и табу](#)
- 1915 *Влечения и их судьбы*
- 1916 *Печаль и меланхолия*
- 1917 *Введение в психоанализ. Лекции*
- 1920 [По ту сторону принципа удовольствия](#)
- 1921 [Психология масс и анализ человеческого «Я»](#)
- 1923 *Я и Оно*
- 1927 [Будущее одной иллюзии](#)
- 1930 [Недовольство культурой](#)

Зигмунд Фрейд — Фрейд австриялик психолог, психоаналист, психиатр ва невролог. Зигмунд Фрейд энг яхши психоанализ асосчиси сифатида танилган, қайси психология ҳақида муҳим таъсир, тиббиёт, социология, антропология, XX аср адабиёти ва санъати.



Адабиётлар:

1. Шермухамедова Н.А. Илмий тадқиқот методологияси. Дарслик. - Т.: "Fan va texnologiya". - 2014, 152 б
2. Саифназаров И., Мухторов А., Бобоев А. Илмий тадқиқот методологияси. Ўқув-услубий қўлланма.-Т.: "Иқтисодиёт", 2014.-136 б.
3. Саифназаров И., Никитченко Г.В., Қосимов Б.У. Илмий ижод методологияси. Ўқув қўлланма.-Т.: "Янги аср авлоди", 2004.-200 б.
4. Саифназаров И., Никитченко Г.В., Касимов Б.У. Методология научного творчества. Учебное пособие.-Т.: "Янги аср авлоди", 2004. - 200 С.
5. Саифназаров И., Қосимов Б.У. Мухторов А., Никитченко Г.В. Фаннинг фалсафий масалалари.-Т.: "Fan va texnologiya", 2004.-240 б.
6. Ходиев Б.Ю, Бекмуродов А.Ш., Болтабоев М.Р. ва бошқ. "Илмий тадқиқотчилик фаолиятига тайёргарлик асослари" ўқув-услубий қўлланма. – Т.: Экономика. – 2007. 138 б.
7. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 40 б.
8. 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли [Фармонига](#) 1-илова // <http://www.lex.uz>



Эътиборингиз
учун раҳмат!